

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАСАВВУФ ТАРИХИДА ТАЗКИРАНАВИСЛИК АНЬАНАЛАРИ

Жўраев Мухридинн Хасанович

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

IX-X асрлардан ҳагиографик жанрда ва сўфилик таълимотига оид тасаввуфий, тарихий-назарий асарлар яратила бошланди. “Тазкира” сўзи эсламоқ, ёдга олмоқ, зикр қилмоқ маъноларини англатиб, улуғ зотлар ҳақидаги ибратли хотиралар жамланмасини билдиради. Шарқ ҳагиографик манбалари тарихий, дидактик, диний-тасаввуф, фалсафий, педагогик, этнологик ва адабий-естетик тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб, унинг мумтоз намуналари сифатида ислом маданияти ва тарихида муҳим ўрин тутган авлиёлар ва сўфилярнинг ҳаёти ва фикрларини ўз ичига олади. Шарқ ҳагиографияси тазкира, мақомат, маноқиб, ҳолот, манқаба, рисола жанрларида яратилган ва уларнинг яратилиши географияси бутун ислом минтақасини қамраб олган. Шарқ ҳагиографияси учун тазкира ва маноқиб ёзииш анианаси устунлик қиласи. Форс маданияти соҳасидаги илк ҳагиографик асарлар сўфилярга бағишланган биографик хабарларнинг арабча “Табақат” (“авлодлар”) тўпламлари бўлиб, улар милодий 11-аср бошларида яратилган. ‘Абд-ар-Рахмон Соламий (ваф. 412/1021) Нишопурлик; тез орада Абу Ноайм Эсфаҳоний (вафоти 430/1038)га мансуб бўлган “Ҳелят ал-авлио” пайдо бўлди. Бу жанрнинг форс тилида ёзилган биринчи асари Абдуллоҳ Ансорийга тегишили “Табақат ас-суфия” дир. Темурийлар давлат арбоби ва шоири Алишер Навоий (ваф. 906/1501) Ўрта Осиё туркий лаҳжасида ёзилган илк сўфий авлиёларнинг биографик лугати (такира) муаллифи. У бу асарни Жомийнинг “Нафаҳат ал-унс” таржимаси сифатида бошлаган бўлса-да, Ҳурросон, Ҳиндистон ва Туркистандан кўплаб авлиёларни ўз ичига олган ҳолда бу асарни кенгайтирди. Унинг Аҳмад Ясавий билан боғлиқ бўлган сўфиляр гуруҳига оид ёзувлари алоҳида эътиборга молик бўлиб, у турк шайхлари бўлган турк шайхлари деб таърифлаган.

**Калим сўзлар:** тазкиранавислик, тасаввуф, сўфилик, Тазкира, “Ҳелят ал-авлиё”, “Нафаҳоту-л-унс”.

## THE TRADITIONS OF TAZKIRANAVIS IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIAN SUFISM

### ABSTRACT

*From the 9th-10th centuries mystical, historical and theoretical works in the hagiographic genre and on the doctrine of Sufism began to be created. The word "tazkira" means to remember, to remember, to mention, and it means a collection of exemplary memories about great people. Sources of Eastern hagiography are important sources for historical, didactic, religious-mystical, philosophical, pedagogical, ethnological and literary-aesthetic studies, and its classic examples include the lives and thoughts of saints and Sufis who occupy an important place in Islamic culture and history. Eastern hagiography was created in the genres of tazkira, maqamat, manoqib, holot, manqaba, treatise, and the geography of their creation covers the entire Islamic region. For Eastern hagiography, the tradition of tazkira and manoqib writing is predominant. The first hagiographic works in the Persian cultural sphere are the Arabic ṭabaqāt ("generations") collections of biographical notices devoted to Sufis, dating from around the turn of the 11th century C.E. The foundational work of this genre is the *Ṭabaqāt al-ṣufiya* by Abu 'Abd-al-Rahmān Solami (d. 412/1021) of Nišāpur; it was soon followed by the *Helyat al-awliā*, which is traditionally attributed to Abu Noaym Eṣfahāni (q.v.; d. 430/1038). The first work of this genre to be written in Persian was the *Ṭabaqāt al-ṣufiya* attributed to 'Abd-Allāh Anṣāri. The Timurid statesman and poet 'Alī Shīr Navāī (d. 906/1501) was the author of the first biographical dictionary (*tazkira*) of Sufi saints to be written in the Central Asian dialect of Turkic. Although he started it as a translation of *Nafahāt al-uns* by Jāmī, he expanded upon that work by including many saints from Khurasan, India, and Turkestan. Of particular note are his entries for a clutch of Sufis associated with Aḥmad Yasavī, whom he described as the *mashā'īkh-i turk*—the Turkish shaykhs.*

**Key words:** Tazkiravanis, Sufism, Tazkira, "Helyat al-awlio", "Nafahat al-uns".

### КИРИШ

Тасаввуф адабиёти ҳақида сўз юритганда, бу адабиётнинг вужудга келиши, даставвал араб ва форс тилларидаги шеърият, табакот, мақомот, маноқиб ва тазкиранинг вужудга келиши билан бошланганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Табакот араб тарихнавислигида биографик жанрнинг бир қўриниши бўлиб, унда маълумотлар хронологик тартибда, табакалар бўйича яъни шахснинг дин оламидаги мавқе мартабасига, пайғамбарга яқинлиги, энг аввалги шахсдан

кейинги шахсларга қадар тартибга солиниб берилади. Тасаввуф вакилларини ҳам тарихий даврга қараб табақаларга ажратиш одат тусига кирган. Масалан Абдураҳмон Ас Суламийнинг (ваф. 1021) “Табақот ас суфия” асари бунга мисолдир. Шунингдек Абдуллоҳ Ансорий ҳам валийларни табақага ажратиб силсила тузган.

“Маноқиб”, “ҳолот” (“Маноқиб” сўзи луғатларда таъриф тавсифни, ҳолот эса аҳвол, ҳарактерли ҳислатларни билдиради.) ўз замонасининг шоир, адаб ва валийлари ҳақидаги рисолага ўхшаш асарлардан саналади. Маноқиб ва ҳолотлар одатда бирор бир машҳур зотнинг вақотидан сўнг ёзилиб, уларда мазкур шахснинг ҳаёти, ижодий фаолияти, шахсий фазилатлари ёритилади. Бундай маноқиб ҳолотлардан Хондамирнинг Алишер Навоийга бағишиланган “Макорим ул-аҳлоқ”, Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Маҳмуд” каби асарларини келтириш мумкин.

Ўрта асрларда Ҳурасон ва Мовароуннахрда яшаб ижод этган аксарият авлиё ва шайхларнинг ҳаёти ва фаолияти бағишиланган “мақомот”лар форс тилида ёзилган. Бизгача етиб келган “Мақомоти Шайх Абдулқодир Фийлоний”, “Мақомоти Шайх Юсуф Ҳамадоний”, “Мақомоти Шайх Баҳоуддин Нақшбанд” каби асарларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. “Мақомот”- мартабалар, қоидалар ва ҳикояларни билдирувчи китоб. Мақомот арабча мақом сўзининг қўплиги бўлиб, ўрин жой, мартаба, даражани англатади. Демак бирор киши ҳақидаги мақомот ўша кишининг ҳаётда тутган ўрни, олиб борган ишлари, мартаба ва даражаларини ифодалайди. Шунингдек, “мақом” ёки “мақомот” инсоннинг маънавий юксалиши, валийлик зиналаридан баландлаб кўтарилишини ҳам англатади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

“Тазкира” сўзи эслаш, хотирлаш, зикр этиш деган мъноларни билдириб, улуғ зотлар тўғрисидаги ибратли эсадаликлар тўплами демакдир. Адабиётшунослик луғатларига юзлансан, Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган адабий-танқидий жанр— тазкирага қуйидагича таъриф берилган: “Тазкираларда шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги муҳтасар маълумотлар зикр этилиб, уларнинг асарларидан намуналар келтирилади ва умумий баҳо берилади. Тазкираларда ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар бериш билангина чекланиб қолинмасдан, шеърият ва унинг назарий масалалари билан боғлиқ эътиборга лойик фикр-мулоҳазалар, маълум бир давр адабий ҳаёти ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам ўрин олади. Адабиёт тарихида шоирларгина эмас, балки олимлар, авлиёлар ҳақидаги тазкиралар ҳам

яратилган. Тазкира ёзиш анъанаси дастлаб араб ва форс адабиётларида, кейинроқ туркий адабиётда ҳам кенг оммалашган”[5:305].. Бу маънода тазкирачи маълум бир маслакда танилган кишиларнинг, масалан, авлиё, хаттот, меъмор, мусиқа усталарининг ҳатто гул етиширувчи моҳир боғбоннинг ҳаёти ва санъати, хунари ҳақида сўз юритиши мумкин.

Тазкирачилик анъанаси Ислом маданиятига хос бир воқеа. Илдизи мусулмонларнинг илк даврларида бошланган тафсир ва ҳадисга алоқадор фаолиятга бориб тақалади. Араблар табақот номини берган фаолиятлари эронликлар ва турклар орасида ривожланди ва тазкира номини олди. Сўзнинг бу ном билан тарқалиб, муваффақият қозонишида XII асрда яшаган машхур эронлик шоир ва мутафаккир Фаридиддин Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё” деган асарининг ислом оламидаги мартабаси катта рол ўйнади.

Маълумки, тазкиранавислик Шарқда қадим анъанага эга. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги тазкиранавислик тўғрисида сўзлаганда, асосан, шоирлар тўғрисидаги эсадаликлар санаб ўтилган[4:246]. Аммо азиз-авлиёлар, тасаввуф вакиллари ҳақидаги тазкиралар бу ҳисобга киритилмаган. Ҳолбуки Аттор, Жомий, Навоий, Рушдий асарлари ҳақиқий тазкира жанри талабларига тўғри келувчи асарлар эди. Турк олими Сулаймон Улудоғ ўзининг Фаридиддин Аттор (ваф. 1220) асари “Тазкирату-л-авлиё” таржимаси нашрига ёзган сўзбошисида тазкиранависликнинг аҳамияти тўғрисида шундай ёзади: “Тазкира” калимасининг тасаввуфий мақом бўлмиш зикр сўзига ҳам яқин алоқаси бордир. Накл этилган сўфийлар сўzlари, ҳоллари ва ҳаракатлари Аллоҳни танишга васила бўлиб хизмат этгани учун ҳам тазкира дейилмишdir” [2:14].

Фаридиддин Аттор ижодида ва тасаввуф намояндалари тўғрисида китоблари ичida алоҳида ўрин тутадиган асари шубҳасиз “Тазкирату-л-авлиё” дир. Асарда 68 та энг йирик тасаввуф алломаларининг қисқача ҳаёти ва фаолияти, ҳамда турли масалаларга оид фикр мулоҳазалари ўз аксини топган. Шунингдек, асарда тасаввуфий истилоҳлар, шариат, тариқат, маърифат, таваккул, ризо, шукр, сабр кабиларга турли мутафаккирларнинг қарашлари ҳам баён этилган. Асар хронологик асосда тузилган дейиш мумкин. Аввал авлиёнинг умумий таърифи, қисқача ҳаёт йўли, каромат ва насиҳатлари ўрин олган. Энг йирик тасаввуф намояндалари ҳаёти ва фаолияти батафсил ёритилган бўлса, қолганлари умумий тарзда баён этилган.

“Тазкирату-л-авлиё” нинг тазкиранависликдаги муҳим аҳамияти шундаки унга эргашиб, анъанани давом эттириб, мутафаккирлар ўз асарларини

яратдилар. Хусусан, Абдураҳмон Жоммийнинг (1414-1492) “Нафаҳоту-л-унс мин ҳазороти-л-қудс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳабbat”, Муҳаммад Рушдийнинг “Тазкирату-л-авлиё” асарларини шулар жумласига киритш мумкин[3:27].

Абдураҳмон Жомийни бутун дунёда буюк мутафаккир, тасаввуфнинг назариётчи олими ва нақшбандия тариқатининг йирик вакили сифатида танийдилар. Машҳур рус шарқшунос олими Е.Э.Бертельс “Жомий” номли монографиясида мутафаккирнинг араб тили, адабиётшунослик, илоҳиёт, тасаввуфга доир 52 асарни мерос қилиб қолдирганлиги ва Нақшбандия таълимотини янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлигини таъкидлайди. Маълумки, Навоийнинг илтимоси ва рағбати билан хижрий 881 йили (Милодий 1476 йили) Абдураҳмон Жомий форс тилида “Нафаҳоту-л-унс мин ҳазороти-л-қудс” асарини ёзган бўлиб, унда 618 авлиё зикри берилган.

“Насойим ул-муҳабbat” тазкираси Навоийнинг (1441-1501) муҳим адабий мероси ҳисобланади. Асарнинг тўлиқ номини Алишер Навоий шундай келтиради: “Насойим ул- муҳабbat мин шамойим ул- футувват” яъни “Муҳабbat шабадалари ва дўстликнинг хушбўй ҳидлари”. Тазкирада 770 тасаввуф вакили (735 эркак, 35 аёл) ҳақида маълумот келтирилган бўлиб, асарнинг эркак мутасаввуфлар ҳақидаги қисми Шайх Увайс Қараний зикри билан бошланиб, Абдураҳмон Жомий зикри билан якунланади. Орифа аёлларга бағищланган қисми эса Робия Адавиядан бошланиб, Бибичайи Мунажжима зикри билан ниҳоясига етади. Мазкур китобнинг ёзилиш тарихи 901 ҳижрий-1496—милодий йилдир. Алишер Навоий шу асарнинг кириш қисмида унинг ёзилиш сабабини баён қилиб, “Насойим ул-муҳабbat” Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асаридан илҳомланиб, уни янада мукаммаллаштириб ёзилганлигини уқтиради[1:69]. Аммо асарда араб ва форс-тожик мутасаввуфларига кенг ўрин ажратилган бўлиб, туркий мутасаввуфлар зикри тўлиқ эмасди. Иккинчи томондан эса мутасаввуфлар ҳақида туркий-ўзбек тилида бирорта тазкира мавжуд эмас эди. Алишер Навоий ана шуларни назарда тутган ҳолда мутасаввуфлар ҳақида туркий - ўзбек тилида тазкира яратиб, унга кўп янгиликлар киритди, туркий машойих-мутасаввуфлар тарихини ҳам ўша давр нуқтайи назаридан биринчи бўлиб мукаммал тарзда майдонга келтирди.

Тазкиранинг ички курилиши ва баён услуби Алишер Навоийнинг буюк мутасаввуф, ахлоқшунос, маънавиятшунос, тарихчи, адабиётшунос, элшунос ва сиёsatшунос сифатидаги истеъдодини намоён қилган. Муаллифнинг яна бир

донолиги шундаки, бирор шайх тўғрисида мухтасар маълумот беришни ихтиёр этган бўлса, кенгроқ маълумот олишни хоҳлаган киши фалон манбага мурожаат қилсин, деб эслатма беради.

Кўпчилик олимларнинг фикрича Навоийнинг бу тазкираси унинг устози Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс мин ҳазаротул-қудс” тазкирасининг айнан таржимаси ҳисобланади. Лекин, ушбу икки тазкира қиёсланганди бир канча фарқларни кўриш мумкин. Жомийнинг асарида умуман туркийгўй шайҳлар берилмаган, Абдураҳмон Жомийнинг тазкирасида берилган шайҳлар сони Навоийнидан сон жиҳатдан бирмунча фарқ қиласи, Жомийда авлиё аёллар ҳақидаги маълумотлар йўқ, Навоийда эса 35 та авлиё аёллар ҳақида маълумотларни учратишимиз мумкин, Навоийда эстетик нормалар услубда қўлланилган, ҳикоятлар уйғунлиги, таърифлар услуби ўзига хос тарзда берилган, Навоий асарида “Нафаҳотул унс” асарининг муқаддимаси умуман берилмаган, Навоий уни эркин тарзда ўзи ёзган, Жомийда берилмаган 19 та авлиёларни Навоий Фаридиддин Атторнинг “Тазкиратул авлиё” асари асосида киритган, “Нафаҳотул унс”да берилмаган 84 та ҳинд шайҳларини ҳам киритган, “Насойимул муҳаббат” асари туганчиси ҳам оригинал тарзда берилган, Жомийнинг тазкираси илм аҳлларига бағишлиланган бўлиб, Навоийни эса кенг омма аҳли учун яратилганлиги диққатга сазовордир.

Умуман олганда, ҳазрати Алишер Навоийнинг авлиёлар таржимаи ҳолига бағишлиланган мазкур “Насойиму-л-муҳаббат мин шамойилу-л-футувват” асари шоирнинг етук мутасавиф олим сифатидаги фаолиятини кўрсатувчи муҳим манбадир[6:25-26]. Муҳаммад Рушдий “Тазкира”си 1780 йили Қўқонда ёзилган. Асар ўзига хос ички қурилишга эга. Ҳар бир шайх хаёти “Зикр” деб номлангани ҳолда, зикрлар кичик боб ёки фаслларга ажратилмаган. “Дебдур” сўзи билан баён этилган матнлар эса машойихларнинг зикрларига илова қилинган. Ҳар бир зикрда, дастлаб қаламга олинган шайх - авлиёнинг илм-фан, дин ва тасаввуф оламидаги шон-шавкати, лақаб ва унвонлари сажъ йўлида берилади. Шундан сўнг валийнинг келиб чиқиши, ватани, таълим олган жойлари, устозлари, тариқат йўлида чеккан риёзатлари, тавбасига сабаб бўлган ибратли воқеалар, кароматлар баён этилади.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Мовароуннахр ва Хурросон валийлари меросини ўрганиш, уларнинг тасаввуфий-ахлоқий қарашларини тадқиқ этиш ҳамда тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона амалга ошириш йўлида ҳали кўп ишлар қилиниши лозим. Тасаввуф эса инсон руҳий камолоти

учун зарур ғоя. Уни валийлар ҳаётини ўрганмасдан туриб, исломнинг маънавий-маърифий аҳамиятини англаб, сўфиёна адабиётларнинг ғоявий мазмун-моҳиятини тушуниб бўлмайди.

Бугунги кунда тарих ва маданий мерослар кенг ўрганилаётган ҳамда тасаввуф таълимотига рағбат кўрсатилаётган экан, тасаввуф таълимоти билан боғлиқ асарларни тўлиқ ҳолда нашр этилиши ва тадқиқ қилиниши илмий, маърифий ва ахлоқий аҳамиятга эга.

## **REFERENCES**

1. Алишер Навоий. Асарлар. 15 –том. Тошкент, 1968. 69 – 186- 6.
2. Fariduddin Attar. Tazkiratu-l-avliya (Xazirlauan Sulayman Uludag). – Istambul: 1984. – B.14.
3. Mustafo E. Tazkiradan biografiyaga. Monografiya. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2012. –B.27
4. Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976 . – Б. 246
5. Quronov D. va boshqalar. Adabiyotshunoslik lug‘ati. – Toshkent: Akademnashr, 2013. –B.305.
6. Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир / Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.Б.25-26.